ДЖУРАЕВА Санабар Нурматовна,
Ўзбекистон Миллий университети
тарих фанлари доктори (DSc)
E-mail: sanabar.djuraeva@bk.ru

СУРХОН ВОҲАСИДАГИ БУЛОҚЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ЭКОТУРИСТИК ЗИЁРАТГОҲЛАР

ЭКОТУРИСТИЧЕСКИЕ ПАЛОМНИЧЕСКИЕ ОБЪЕКТЫ СУРХАНСКОГО ОАЗИСА, АССОЦИИРОВАННЫЕ С ПРИРОДНЫМИ ИСТОЧНИКАМИ

ECO-TOURISM PILGRIMAGE SITES ASSOCIATED WITH SPRINGS IN THE SURKHAN OASIS

Аннотация*: Мазкур мақолада Сурхон воҳасидаги муқаддас зиёратгоҳларнинг шаклланиш тарихи, уларнинг илм-фан, ислом дини, касб-ҳунар, тиббиёт, табиат ва жамият ўртасидаги уйғунликни ривожлантиришга ҳисса қўшган буюк уламолар ҳаёти билан боғлиқлиги, у ерда ҳоки ётган кишиларни улуғлаш, зиёратгоҳларининг муқаддас жойларга айланганлиги масалалари ёритилган. Шу билан бирга экотуризм, булоқлар билан боғлиқ хўжалар номи билан аталган зиёрат объектлари тарихи, одамлар у ерга фақат зиёрат учун эмас, шифо излаб келиши каби муҳим жиҳатлари ҳам илмий маълумотлар асосида таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *зиёрат, объект, хўжа, муқаддас, табиат, культ, дарахт, тош, булоқ, сув, ғайриоддий, сўлим, салқин, баҳаво.*

Аннотация*: В данной статье освещаются вопросы генезиса священных мест паломничества в Сурхандарьинском оазисе, а также их историческая взаимосвязь с жизнедеятельностью выдающихся мыслителей и богословов, внесших значительный вклад в развитие науки, исламской теологии, ремесленничества, медицины и гармонизацию отношений между природой и обществом. Рассматриваются аспекты сакрализации мемориальных комплексов и почитания захороненных там личностей. Наряду с этим, на основе фактических научных данных подвергаются анализу перспективы экотуризма, историография паломнических объектов, носящих титул «ходжа» и гидрологически связанных с родниками, а также такие существенные аспекты, как посещение данных локусов не только с ритуальной целью, но и в поисках телесного исцеления.*

Ключевые слова: *паломничество, объект, ходжа, сакральный, природа, культ, дерево, камень, родник, вода, феноменальный, живописный, прохладный, климатически благоприятный.*

Abstract. *This article elucidates the historical formation of sacred pilgrimage sites in the Surkhan oasis and their intrinsic connection to the lives of prominent scholars who contributed to the advancement of science, Islamic theology, craftsmanship, medicine, and the harmonization of nature and society. The study examines the veneration of interred figures and the subsequent sacralization of these locations. Furthermore, the paper provides a scientific analysis of eco-tourism potential, the historiography of pilgrimage objects bearing the title «Khoja» that are associated with springs, and significant socio-cultural aspects, including the practice of visiting these sites for both spiritual observance and therapeutic purposes.*

Keywords: *pilgrimage, site, Khoja, sacred, nature, cult, tree, stone, spring, water, supernatural, scenic, cool, temperate.*

КИРИШ

Сурхондарё воҳаси зиёратгоҳлари ва муқаддас қадамжоларининг шаклланишида маҳаллий халқнинг илм-фан, ислом дини, касб-ҳунар, тиббиёт, ўзликни англаш, табиат ва жамият ўртасида уйғунликни вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшган улуғ инсонлар маҳаллий аҳоли томонидан улуғ, муқаддас даражасига кўтарилган. Зиёратгоҳларнинг аксарияти диний шахс (персона) номи билан боғлиқ бўлиб, бу ерда ўлканинг зиёрат масканлари ҳудудий умумий топонимик бирлик асосида шаклланишининг ўзига хослигини кўрсатади. Ҳудуддаги зиёратгохларнинг аксариятида саҳоба, саййид, авлиё, хўжа, маҳаллий диний уламоларнинг улуғланганини кўриш мумкин. Шу билан бирга табиат,булоқлар билан боғлиқ зиёрат объектлари ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Сурхон воҳасидаги зиёратгоҳларнинг муҳим жиҳати шундаки, уларнинг аксарияти кўпинча баланд тепаликлар, адиржойларда жойлашган бўлиб, рамзий маънода табиат культи билан боғлиқ ривоятлар асосида муқаддас қадамжолар ҳисобланади.Табиат билан боғлиқ экотуристик зиёратгоҳлар тарихи қадимги даврга бориб тақалади. Бундай зиёратгоҳлар олдида албатта дарахт, ноодатий тош, булоқ

бўлган. Булоқларнинг пайдо бўлиши бирорта авлиё ёки хўжалар номи билан боғланган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Омонхона қишлоғида неча асрлик тарихга эга шифобахш сув Омонхона булоғи бор. Шу ерлик кексаларнинг айтишича, қишлоқнинг пайдо бўлганига етти аср бўлган. Булоққа яқин жойда Қамари Азиз рамзий зиёратгоҳи ҳам мавжуд.

Омонхона қишлоғида Ҳазрат Султон Вали Балогардон, Хожа Сиддиқ саҳоба, Хожаи Вақтдон, Қамари Азиз номли зиёратгоҳлар жойлашган. Бу улуғ манзиллар неча асрлардан буён сақланиб қолган бўлиб, одамлар қадимги даврлардан бу зиёратгоҳларга ташриф буюришган [1]. Айтишларича, ҳозирги кунда маҳаллий аҳоли “Омонхона суви” деб атайдиган булоқ Ҳазрат Султон Вали ҳассасини тошга уришидан пайдо бўлган экан. Ҳазрат Султон Вали содиқ халифаси Назармамат билан Ғуттакамар дарасида яшаб, кейин ҳозирги кунда Омонхона деб аталувчи қишлоққа кўчиб ўтишган, охирида эса шу ерни абадий макон қилишган экан. Омонхона булоғидан 200 метр масофада Омонхона қишлоғининг ўртасидаги бир тепаликда Ҳазрат Султон Вали (XIV аср) зиёратгоҳи жойлашган [2:238]. Омонхона булоғининг тепасида Омонхона ғори бор. Ғор оғзи жуда тор, бир киши аранг сиғади. Йўлакнинг узунлиги 3-3,5 метр. Ғорнинг ичи тахминан 50-60 кв, метр бўлиб, ёзда 5-6°совуқ, қишда 20°илиқ бўлади. Эътиборли томони шундаки, бу ғор бошқа ғорларга ўхшамайди. Тоғ аҳолиси айнийдиган озиқ-овқатларини шу ғорга олиб келиб қўяди. Ғорга ҳар қандай одам тушолмайди.

Омонхона ғорининг қуйи қисмида Омонхона булоғи бор. Юқорида келтирилган ривоятларни инобатга олмасак, булоқнинг қачон пайдо бўлганини ҳеч ким билмайди. Совет даврида Ҳазрат Султон Вали қабрини зиёрат қилиш тақиқланган. Омонхона қишлоғидаги Оқ масжид 70 йил ёпиб қўйилган. Булоқ сувидан шифо сифатида фойдаланишга рухсат берилмаган [3:37-38].

Мустақиллик шарофати билан 1994 йилда Омонхона булоғи қошида Омонхона шифохона-оромгоҳи очилган. Омонхона булоғининг сув таркиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Н. А. Семашко номидаги Саломатликни тиклаш ва табиий даволаш илмий-текшириш институти томонидан сув таркибида сульфат иони 88 мг, Экв; р-н 80 биоқувват мавжуд эканлиги ўрганилган. Шу билан бирга сувда кремний кислотаси, темир, алюминий ва бошқа микроэлементлар ҳам мавжудлиги аниқланган. Бундан ташқари, сульфат ва магний ионлари меъёридан бир неча баробар ортиқ бўлиб, истеъмол қилинганда ўт сурувчи, сийдик ҳайдовчи, қон босимини тушириш хусусиятига эга. Омонхона булоғи суви сурункали гепатит,холистит (ўт пуфаги йўлларининг яллиғланиши), ошқозон-ичак тизимида учрайдиган касалликлар: гастрит, дуодент, комет, қандли диабет, ошқозон ости безининг яллиғланиши (панкреатит), хафақон (қон босими) ва бошқаларга даво ҳисобланган [4:33]. Омонхона қишлоғи, Ҳазрат Султон Вали, Омонхона булоғи тарихи ҳақида А.Холмирзаев [4], С. Турсунов [2], Шоҳ Мурод Шароф [5], М.Зарипова [6], Т.Алланов, О.Алланов [3] илмий изланишлар олиб борган.

Омонхона булоғига яқин жойда Ҳазрат Султон Валининг фарзанди билан боғлиқ “Қамари Азиз” рамзий зиёратгоҳи бор. У ерга мустақиллик йилларида рамзий қабр қилиниб, устига очиқ айвонли мақбара қурилган. Қадамжо атрофи девор билан ўралган. Зиёратчилар учун текис йўлак, очиқ айлонли шийпон, ўтирғичлар ўрнатилган. Қишлоқдаги масжидлар ҳам таъмирланган. Ҳазрат Султон Вали, Қамари Азиз зиёратгоҳлари ҳамда Омонхона шифохона -оромгоҳига бориш учун йўллар қайта тузатилган [1].

Қамари Азиз ҳақида ёзувчи Шоҳ Мурод Шароф қуйидаги ривоятни келтирган: кунларнинг бирида Ҳазрат Султон Вали Балогардоннинг етти яшар ўғли Қамари Азиз Ёппакамар ичида ўйнаб юриб, кутилмаганда ғойиб бўлибди. Муридлар ҳар қанча қидиришмасин топиша олмабди. Бу нохуш хабарни ноилож пирларига айтишибди. Султон Вали ҳеч нарса бўлмагандек, бамайлихотир дуои фотиҳа қилибди ва шундай дебди: “Қамари Азизнинг ғойиб бўлиши менга азалдан маълум эди. Бориб кўрингларчи, ўғлим ғойиб бўлган жойдан булоқ оқиб чиқаётган бўлиши керак. Аллоҳ таоло менинг фарзандим шарафига инсониятда учрайдиган етмиш хил дардга даво бўладиган шифобахш сувли булоқ инъом қилди. Қамари Азиз шу булоқ шарофати билан охиратгача одамлар қалбида яшайди”

ISSN 2181-9572

дебди. Муридлар бориб кўришса, ҳақиқатдан ҳам тошлар орасидан янги булоқ кўз очиб, шарқираб оқаётган эмиш [5:17]. Орадан кўп асрлар ўтибди-ю, булоқ ҳамон тинимсиз оқиб, дардманлар дардига шифо бўлиб келмоқда. Ҳазрат Султон Вали авлодлари ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Шеробод Кумқурғон, Денов туманларида истиқомат қилишади.

Хуллас, турли ривоятлар асосида шаклланган, неча асрлик тарихга эга бўлган Омонхона қишлоғи, у ерда абадий макон топган Ҳазрат Султон Вали зиёратгоҳи ва у кишининг каромати билан пайдо бўлган Омонхона бўлоғи, оромгоҳи, Қамари Азиз зиёратгоҳи жуда кўплаб зиёратчи ва дам олувчилар билан доим гавжум. Бу маскан бутунги кунда обод ва ўз қадим тарихига эга ҳудуд бўлиб, қўшни вилоятлар ва бутун Республика аҳолиси учун ўзига хос зиёрат ва экотуризм манзилидир.

Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Хўжаипок қишлоғи тоғ ён бағрида Хўжалар номи билан боғлиқ Хўжаипок зиёратгоҳи жойлашган. “Хўжа” сўзи форсча обру эътиборли киши, соҳибу фахрий, унвон ва мурожаат шаклидир. Марказий Осиёда XX аср бошига қадар хўжалар Хулофои Рошидийн (Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али), Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.)нинг қизлари Фотимадан бўлган авлодларидан ташқари авлодлари даъво қилувчи шахсларнинг фахрий унвони. Бошқа манбаларда хўжалар арабларнинг фатҳий юришларига бошчилик қилган саркардалар авлодлари деб ҳисобланади [7:551-552].

Хўжаипок зиёратгоҳида тоғнинг тагидан бир неча чақирим узунликда шифобахш сув чиқади. Сув Тентак дарё (Олтинсой дарё)га қуйилади. Сувнинг қаердан чиқаётганлиги ҳанузгача номаълум. Зинапоя орқали сув чиқадиган ғорга тушилади. Бу ерда бир қабр бор. Маҳаллий аҳолининг айтишича, ушбу қабр Хўжаипок отанинг синглиси Бибизайнабнинг қабридир. Ғорга тушмасдан тепаликда рамзий яна бир қабр бор. Аҳоли орасида бу қабр Хўжаипок ота, яъни Абдураҳмон ибн Авфнинг қабридир [8]. Тадқиқотлар натижасида, манбаларда хўжалардан бўлган Хўжаипок исмли шахс аниқланмаган. У ҳақида фақат ривоятлар мавжуд. Абдураҳмон ибн Авф (ваф.654/32 ҳижрий) саҳоба бўлиб, ислом дунёсида Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) томонидан “Ашараи мубашшара” яъни ҳаётлик чоғида жаннатий экани башорат қилинган ўн саҳобадан бири бўлган [9:23-27, 10:115-119]. Тарихий манбалардан маълумки, саҳоба Абдураҳмон ибн Авф умуман бизнинг юртимизга келмаган. Демак, ғорнинг тепасидаги ва ғорнинг ичидаги қабрлар рамзийдир.

Саҳобалар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар бутун республика бўйлаб учрайди. Абдураҳмон ибн Авф номи билан боғлиқ рамзий зиёрат объектлари Ангор туманида, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Жиззах вилояларида ҳам мавжуд.

Хўжаипок зиёратгоҳи тоғ ён бағрида баҳаво жойда жойлашган бўлиб, баҳор ва ёз фаслларида ўзининг сўлим табиати, шифобахш суви билан кўплаб зиёратчиларни жалб этади. Аниқланишича, сув таркибида фосфор, олтингугурт, туз, хлорид, сульфид, азон, темир ва бошқа моддалар бор. Сув асосан, бош, оёқ, бел оғриқлари, кўкрак қафасининг қисилиши, турли яралар, чипқон, тошма, тери ва асаб касалликларига даводир [11:15-16].Олиб борилган сўровларга кўра, маҳаллий аҳоли шифобахш сувни Хўжаипок ота каромати деб билишади ва ундан фойдаланганда шифо топишга катта умид қилишади. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Хўжаипок қишлоғида ҳам Хўжаипок ота зиёратгоҳи жойлашган. Бу қадамжо ҳалқ орасида араб истилосидан кейин X-XI асрларда ислом динини тарғиб қилиш учун келган етти хўжалардан бири Хўжаипок отага тегишли эканлиги айтилади [12:]. Тахминимизча, бу ердаги қабр рамзийдир, чунки илмий изланишлар натижасида Хўжаипок ота ҳақида тадқиқотларда маълумотлар учрамади.

Зиёратгоҳ ҳудудида худди Сурхондарёдаги Хўжаипок зиёратгоҳи каби олтингугуртли сув чиқади. Ундан ҳосил бўлган кўл ва балчиқ, бор. Н. А. Семашко номидаги Республика курортология ва фезатерапия институти мутахассислари Хўжаипок ота зиёратгоҳи сувининг таркибини ўрганиб, Д.Менделеев жадвалидаги кўп менерал моддаларнинг борлигини аниқлашган[13:12].

Хўжаипок зиёратгоҳи суви шамоллаш билан боғлиқ касалликлар: ревматоид (бод касаллиги), полеартрид, турли тери касалликлари, асаб тизими, умуртқа астехондрози, умуртқа грижаси, ҳар хил невропотиялар, сурункали холисистид, энтрохолидпростатит, аднигсит, бурцелоз ва бошқа касалликларни даволашда

фойдаланилади [14:22].]. Хўжаипок ота суви ва балчиғи асосан июнь, июль ойларида қуёш иссиғи таъсирида исиб, беморларга шифо бўлиш хусусиятига эга.

Хўжамайхона зиёратгоҳи (XVаср) Бойсун тумани Дарбанд қишлоғидаги катта дарада жойлашган. Мозорнинг атрофи қалин дарахтлар билан ўралган. Зовнинг тубидан катта ҳажмдаги сув чиқиб, учта тоғ зинаси орқали дарёга қўшилади. Маҳаллий аҳоли орасидаги ривоятларга кўра, Хўжамайхона зиёратгоҳидаги қабр Ҳазрати Али (р. а)га тегишли. Ҳазрати Али (р.а) Ўрта Осиёга келмаган бўлса ҳам Алавийлар билан боғлиқ қарашлар кенг тарқалган [15]. Али ва унинг авлодларини ардоқлаш Сурхондарё вилоятида ҳам кучли мавқеига эга бўлганини кўришимиз мумкин.

Хўжамайхона суви тоғ тагидан 10 км дан ортиқ ичкаридан чиқади. Сувнинг туби қаерда эканлиги ноъмалум. Япон олимларининг олиб борган тадқиқотларига кўра, Хўжамайхона суви Осиё қитъасидаги энг тоза, фильтрланган, шифобағш сув бўлиб, унда инсон организмига фойдали бўлган темир ва олтин моддалари мавжуд экан [16:383-384]. Хўжамайхона зиёратгоҳи ҳудудида мозор ва мўжизавий катта ҳажмдаги сув бўлиб, ўзининг табиий манзараси, тоғ ҳавоси, сувининг тиниқ, тотли, шифобахшлиги билан кишини ҳайратга солади. Бундай зиёратгоҳлар нафақат зиёрат объекти, балки табиат томонидан пайдо бўлган экотуристик зона ҳамдир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, булоқлар билан боғлиқ, Хўжалар номи билан аталган экотуристик зиёратгоҳлар рамзий бўлсада, уларнинг шаклланиш тарихини ўрганиш, нафақат вилоятда, балки республикада туризм йўналишида машҳур қилиш, ислом уламолари ҳаётини илмий ўрганиш, рисолалар, китоблар нашр қилиш лозим бўлади.

Табиат билан боғлиқ зиёратгоҳлар тарихи қадим даврларга бориб тақалади. Улар Ўрта Осиё ҳалқларининг ижтимоий ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Одамлар қадимги даврларда табиат ҳодисаларидан қўрққанлиги сабабли, уни ғайриоддий ҳисоблашган. Ўзига хос жиҳати шундаки, зиёратгоҳлар олдида дарахт, қандайдир тош, сув ёки булоқ бўлган.

Зиёрат билан боғлиқ табиат объектларининг баланд тепаликларда жойлашганлиги, гўзал табиати, сўлим ва салқин ҳавоси йилдан йилга маҳаллий ва хорижий зиёратчиларнинг ошишига сабаб бўлмоқда. Ҳалқимизнинг қадимги қарашлари ва эътиқодларини, тарихини ўрганиш учун бундай жойларни зиёрат туризми ва экотуристик манзилга айлантириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Ширинобод қишлоғи. 2024 йил 27 август.
2. Турсунов С., Рашидов Қ.Бойсун. –Тошкент: Akademnashr, 2011. – Б. 338.
3. Алланов Т., Алланов О. Омонхона мўъжизалар манзили. – Тошкент: Тафаккур, 2013. – Б. 37-38.
4. Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. –Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 33.
5. Шоҳ Мурод Шароф. Омонхона мўъжизалари. – Тошкент: Халқ мероси, 1996. – Б. 17.
6. Зарипова М. Муқаддас зиёратгоҳлар халқимиз маънавиятининг белгиси // Бойсун баҳори-миллий маънавиятимиз дурдонаси Халқаро илмий анжуман мақолалар тўплами. – Термиз: Сурхон нашр, 2017. – Б. 157-158.
7. Ислом энциклопедияси. –Тошкент: Энциклопедия, 2017. – Б. 551-552.
8. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Хўжаипок қишлоғи. 2024 йил 25 август.
9. Ашараи мубашшара: жаннатий бўлган ўн саҳоба ҳақида қисса. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 1994. – Б. 23-27.
10. 100 улуғ саҳобий. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. –Б. 115-119.
11. Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Тошкент: 2003. –Б.15-16.
12. Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Хўжаипок ота қишлоғи. 2014 йил 24 август.
13. Тошкулов Қ. Қадимий ва навқирон Деҳқонобод. Биринчи китоб. –Тошкент: Муҳаррир, 2012. – Б. 12.
14. Тошқулов Қ. Қадимий ва навқирон Деҳқонобод. Иккинчи китоб. –Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – Б. 22.
15. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Дарбанд қишлоғи. 2024 йил 28 август.
16. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Тошкент: Akademnashr, 2011. – Б. 383-384.

ISSN 2181-9572